1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

# YOSHLAR OVOZI

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

2018-YIL 25-YANVAR, PAYSHANBA

10 (16168)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

» MUNOSABAT

## ХАЛҚ МАНФААТИ КЎЗЛАНГАН

2017 йил мамлакатимиз учун муҳим жараёнларга бойлиги, ислоҳотларнинг янги босқичига ўтилгани билан аҳамиятли бўлди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Шу билан "Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун" тамойили ва "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғоя давлат органлари фаолиятида асосий мезон қилиб белгиланди. Муҳими, фуқаро билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борилиб, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилина бошланди. Ана шундай салмоқли ишларнинг узвий давомини 2018 йил юртимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинганида кўриш мумкин.

Айтиш керак, жорий йил 22 январда тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа халқ фаровонлигини таъминлаш, одамлар турмуш даражасини оширишга қаратилган. Хусусан, Давлат дастурида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича "истеъмол саватчаси"-га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Бу эса, келгусида ҳудудлар кесимида иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори ана шу мезондан келиб чиқиб ўрнатилишини англатади. Ҳужжатда тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида "ақлли тиббиёт" тизими, шунингдек, соҳада инновацион технологияларни татбиқ этиш кўзда тутилган. Қолаверса, аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлаш учун йил мобайнида икки мингта ижтимоий дорихона ташкил этилади.

Бундан ташқари, ёш оилаларга мўлжалланган арзон уй-жойларни қуриш ҳажми 2 баробарга ошади. Ушбу мақсадга 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

2018 йилда аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида олис ҳудудларга 2 минг километр оптик толали алоқа линиялари тортиб, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ҳамда 4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станциясини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бу чора-тадбирлар ҳам халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

» YUKSALISH

## АРИФМЕТИКЛАР ТАҚДИРЛАНДИ




Р.НАЗАРМАТОВ

2017 йилнинг 26 ноябрида юртимизда ментал арифметикани ривожлантириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Шу куни ўзбекистонлик ўн нафар ўғил-қиздан иборат "Зукколар лабораторияси" жамоаси халқаро онлайн олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритди. Япония, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлар вакиллари билан беллашган ёш истеъдод эгаларининг 8 нафари кўпайтириш ва бўлиш, 2 нафари эса қўшиш ва айириш амаллари бўйича устунликни намоён этганди.

Куни кеча Ёшлар пресс-клубида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Чемпионларга Ҳиндистон ва Қирғизистоннинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари томонидан фахрий ёрлиқлар топширилди. Уларнинг ота-оналари ҳам ташаккурномалар билан тақдирланди.

Маросимни якунлаб берган ёш хонандалар иштирокидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

**Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА**

» JARAYON

## ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев Наманган вилоятида бўлди. Меҳмоннинг қадами қутлуғ келиб, шу баҳонада ёшларнинг кўплаб муаммолари ижобий ҳал этилди.

Наманган шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби кўпдан буён сараларнинг сараси сифатида эътироф этиб келинади. Зотан, мазкур даргоҳ ўқувчилари деярли барча фанлардан юқори натижаларни қайд этмоқда. Бироқ... Ишонган тоғда кийик турмас деганларидек, Давлат маслаҳатчисининг мактабга ташрифи чоғида айрим муаммо ва камчиликлар кўзга ташланиб қолди. Жумладан, ўқув муассасасида бошланғич ташкилот фаолияти, хонадаги тарғибот материаллари ва Иттифоқ бурчаклари талаб даражасида эмаслиги Қаҳрамон Қуранбаевнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Ўқувчиларнинг буюк алломаларимиз ҳақидаги билимидан ҳам ёшлар етакчиси қониқмади. Таъкидландики, бундай аянчли ҳолат ўқитувчиларнинг ўзи устида ишламаслигидан далолат беради.

Танқидий-таҳлилий ўрганиш натижасида 3 минг 228 нафар ўқувчи контингентига эга мактабда бир нафар етакчи самарали фаолият олиб боролмаслиги маълум бўлди. Шу боис бошланғич ташкилотга яна иккита "ёшлар етакчиси" штат бирлиги ажратилди.

Қаҳрамон Қуранбаев Наманган қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежига борди. Аммо мазкур масканда ҳам бошланғич ташкилот фаолиятига ижобий баҳо бериш қийин. Дарслар ҳали тугамасидан синф хоналари бирмунча бўшаб қолганини айтмайсизми.

Шунга қарамай, ёшлар етакчиси ўзи рўпара келган ҳар бир ўғил-қизнинг қалбига ажиб бир илиқлик, умид ва ишонч олиб киришга интилди. Уларни ташаббускорликка ундар экан, биринчи қадамни ўзи бошлаб берди – ҳадемай, коллежнинг бир гуруҳ нофаол ўқувчилари учун Иттифоқ ҳисобидан юртимиз тарихий шаҳарларига саёҳат уюштирилади.

Давлат маслаҳатчисининг ёшлар билан галдаги жонли мулоқоти Тўрақўрғон туманидаги 22-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Қ.Қуранбаев бошланғич ташкилот сардорлари, айниқса, етакчи Хулкарой Нуриллаеванинг ишини юқори баҳолади ва унга замонавий ноутбук совға қилди. Ёшлар етакчиси мактабни ўз оталиғига олар экан, бошланғич тошкилотга Марказий Кенгаш номидан замонавий компьютер жамланмаси ва проектор тақдим этишга қарор қилди. Вилоят ҳокимлиги эса, уч кун ичида сардорлар учун керакли жиҳозларни тақдим этадиган бўлди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг таклиф-истагига биноан, Иттифоқнинг туман кенгаши қошида кутубхона ташкил этилиб, унинг фонди учун ёшлар ташкилоти 2 минг 500 дона китоб етказиб берилади. Қувонарлиси, яқин кунларда Давлат маслаҳатчисининг беминнат ҳомийлигида тўрақўрғонлик бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг шеърий тўпламлари чоп этилиши кутилмоқда.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ**

» ISLOHOT ODIMLARI

## ХАВФСИЗ ТУРИЗМ

Шаҳрисабз шаҳридаги Коба мақом марказида "Қашқадарё вилоятида хавфсиз туризм ва туризм маданияти" мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вилоят ички ишлар бошқармаси ва Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳудудда туризмни ривожлантириш учун олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланди. Унда хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари хусусида сўз юритилди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида шу мақсадда бошқармалар фаолияти, уларнинг асосий вазифалари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– Бошқармаларнинг асосий вазифаси сайёҳлик инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, сайёҳларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишдан иборат, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Сардор Жўраев. – Уларнинг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари саналиб, шахсий таркиб, биринчи навбатда, хорижий тилларни билувчи ходимлар орасидан танлаб олинади. Фикримча, бундай ислоҳот мамлакатимизга келувчи сайёҳлар сонининг ортишига хизмат қилади.

Мулоқот давомида ёшлар туризмини ривожлантириш, соҳа маданиятини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

**Аҳрор СОДИҚОВ**

### НАВОИЙЛИК ТАДБИРКОРЛАР ХИТОЙГА БОРАДИ

Айни дамда ишсиз юрган Аъзам Азизов ота ҳовлисини қайта таъмирлаб, замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш учун тижорат банкларидан 500 миллион сўм кредит ажратишни сўради. Вилоят раҳбари мазкур ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, кўмакка тайёрлигини айтди.

→2

### ИТТИФОҚ ШАРТНОМА ПУЛИНИ ТЎЛАБ БЕРАДИ...МИ?

Мурожаатлар 10 февралдан 15 февралга қадар кўриб чиқилади. Номзодларни саралашда, авваламбор, талабанинг ижтимоий фаоллиги, илмий-ижодий салоҳияти, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги натижалари, ташкилотчилик ва етакчилик қобилияти инобатга олинади.

→3

### "ОҚ ҚОҒОЗ"ГА ДОҒ ТУШИРМАЙЛИК!

Бугун баъзи ёш-ялангларни кузатиб, таъбим хира тортади. Улар билиб-билмай айтаётган беҳаё сўзлардан уялиб кетаман. Аслида айб болада эмас, балки тарбиясига эътиборсизлик қилаётган ота-онасида!

→4

» HOKIM VA YOSHLAR

# НАВОИЙЛИК ТАДБИРКОРЛАР ХИТОЙГА БОРАДИ

## вилоят ёшларининг бошқа хоҳиш-истаклари ҳам инобатга олинмоқда

Равшана КУРЯЗОВА

Навоий шаҳридаги ёшлар марказида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги ва бошқа масъул ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари, шунингдек, Навбаҳор, Конимех, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи, Кармана туманларида истиқомат қилаётган фаол бўлмаган, ишсиз тенгдошларимиз, ёш тадбиркор ва фермерлар, Иттифоқнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари қатнашди.





Тадбир ноанъанавий тус олиб, сўз навбати бирданига ёшларга берилди. Улар асосан ўз муаммолари хусусида тўхталди.

Жумладан, Кармана тумани "Ёшлик" маҳалласида яшовчи II гуруҳ ногирони Дилафрўз Наврўзова бир неча маротаба маҳалла раисига тикув машинасини олишда ёрдам сўраб мурожаат қилгани, лекин натижа чиқмаётганини куюниб гапирди. Вилоят ҳокими Қобул Турсунов ҳеч иккиланмай, керакли жиҳоз қизнинг уйига эртагаёқ етказиб берилишини маълум қилди.

Бундан ташқари, олий маълумотга эга, лекин айни дамда ишсиз юрган Аъзам Азизов ота ҳовлисини қайта таъмирлаб, замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш учун тижорат банкларидан 500 миллион сўм кредит ажратишни сўради. Вилоят раҳбари мазкур ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, кўмакка тайёрлигини айтди. Лекин бунинг эвазига тадбиркорга янги муассасада таълим-тарбия сифатини юқори даражага етказиш ҳамда чет тилларини ўқитиш бўйича махсус тўгараклар очиш талаби қўйилди. "Аҳил оила" дея номланадиган хусусий боғчани жорий йилнинг сентябрь ойида ишга тушириш кўзда тутилган.

Микрофон олдига келган навбатдаги йигит — Элёр Бўриев хитой тилини мукаммал ўрганиб, хорижда таълим олган экан. У мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили вилоятдан ўн нафар ёш тадбиркорни Хитойга тажриба ўрганиш учун юборишни таклиф қилди. Тез орада бундан ижобий натижа чиқишини асослаб ҳам берди. Қ.Турсунов мазкур ташаббусни маъқуллаб, ёш тадбиркорлар рўйхатини шакллантиришга кўрсатма берди.

Навоий шаҳрида яшовчи Шаҳбоз Худойқулов 2013 йилда касб-ҳунар коллежини тамомлаб, Россияда қурилиш соҳасида ишлаб қайтган. Энди Ватанида қолмоқчи. Ўзи эгаллаган бухгалтерия ва аудит мутахассислиги бўйича иш излаяпти. Ҳозирча омади чопгани йўқ. Шаҳбознинг муаммоси тадбир тугамасданоқ ҳал бўлди.

Хуллас, ҳоким ёшларни бежиз йиғмабди. Учрашув давомида тилга олинган биронта ҳам таклиф, мулоҳаза ёки савол эътиборсиз қолдирилмади. Назоратини эса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ўз зиммасига олди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



### "THE FINANCIAL TIMES"нинг эътирофи

Ҳамюртимиз, ёш пианиночи Беҳзод Абдураимов ўз ижроси билан инглиз мусиқа ихлосмандларини қойил қолдирди. У Лондондаги машҳур "Барбикан" концерт саройида яккахон дастурини тақдим этди.

Мазкур воқеа Британиянинг нуфузли нашрларидан бири — "The Financial Times"да махсус ёритилди. Ғарб мусиқий танқидчилари концерт дастури Ференц Лист, Сергей Прокофьев, Франц Шуберт каби классикларнинг ғоятда мураккаб асарларидан тузилгани ҳамда ўзбекистонлик виртуоз уларни қойилмақом қилиб ижро қилганини эътироф этган.

"Беҳзод Абдураимов ёшига нисбатан анча навқирон кўринади, — таъкидлади "The Financial Times". — Унинг ижро маҳорати эса, таҳсинга сазовор! Бу — ғаройиб техникадир. Беҳзод она Ватани — Ўзбекистон ҳамда Америка Қўшма Штатларида таҳсил олган. Концертда ўзини ғоятда эркин ва қатъиятли тутди".

Машҳур мусиқий танқидчи Питер Рид "Classical Source" нашрида эълон қилинган мақоласида шундай ёзади: "Охирги марта Беҳзод Абдураимовнинг жонли ижросини олти йил муқаддам эшитганман. Ўшандаёқ 22 яшар виртуоз Британияда танилган эди. Шундан сўнг у "Proms" фестивалида ҳам ўзини аъло даражада намоён этди. Ҳозирги Беҳзод Абдураимов анча улғайган. Маҳорат бобида ҳам. Ижроларида ўзига бўлган ишончи ёрқин намоён бўлмоқда".

### "LE QUOTIDIEN" махсус ёритди

Люксембургнинг "Le Quotidien" газетасида юртимиз иқтисодий салоҳиятига бағишланган мақола босилиб чиқди.

Унда Ўзбекистон Европа ва Осиёни бир-бирига боғлаб турадиган, кўҳна тарих ва имкониятларга, уран, олтин, мис, нефть ва бошқа минерал ресурсларнинг салмоқли захирасига эга мамлакат сифатида таърифланган. Таъкидланганидек, бугунги кунда республика раҳбарияти томонидан саноатнинг юқори технологик тармоқларини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

"Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан барқарор давлат, — деб ёзади нашр. — Унда 32 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бенилюкс мамлакатларида салкам 1 минг 500 нафар ўзбек яшайди. Бир йилдан ортиқ вақт муқаддам Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланганди. 2017 йил ноябрь ойида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишлаб ўтказилган тақдимот чоғида Люксембург ишбилармон доиралари, хусусан, Буюк Люксембург Герцоглиги бизнес ҳамжамияти вакиллари республикадаги бизнес юритиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот олганди".

"Le Quotidien"нинг қайд этишича, Ўзбекистон ва Люксембург ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни равнақ топтириш учун барча шароитлар мавжуд. Шу ўринда газета ўз ўқувчиларига 1992 йилнинг 2 июлида икки давлат ҳукуматлари ўртасида ўзаро солиқ солинишининг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга доир халқаро ҳужжат имзолангани, ўтган йили эса, унга муайян ўзгартиришлар киритилганини эслатади.

**"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.**

» ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

# ЯНА БИР АДАШГАН ОИЛАСИ БАҒРИГА ҚАЙТДИ

Сардор БЕКЖОНОВ

Қоқилганда сени суяйдиган, бошга кулфат тушганда қўллайдиганлар топилса, толеим баланд деявер. Бугун давлатимизнинг сиёсати шундайки, бундай хайрихоҳлик нафақат одамлар, балки бутун жамиятда пайдо бўлмоқда.



Мана, масалан, ўтган йили Президентимиз шахсан ташаббус кўрсатиб, билиб-билмай жиноят кўчасига кирган ёшларни жамоат ташкилотлари кафиллиги асосида қамоқ жазосидан қутқариб қолиш амалиётини жорий қилган эди. Орадан кўп вақт ҳам ўтгани йўқ. Лекин деярли ҳар куни гоҳ у туман, гоҳ бу шаҳарда 18, 20, 25 яшар йигит-қизлар суд залидан озод этилаётгани ҳақида эшитяпмиз. Бундай хушхабарлардан Яратгандан фарзанди учун омонлик, рўшнолик сўраб, туну кун ибодатда бўлган неча-неча онаизорлар ҳаловат топмади, қалби чуқур миннатдорлик ҳисси ила йўғрилмади дейсиз...

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судида Умид Абдуллаевнинг иши кўриб чиқилди. Айблов жиддий — наврасга қамалиб кетиши мумкин. Аммо суд мажлисида қатнашган маҳаллий жамоатчилик вакиллари, хусусан, маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари, шунингдек, туман ҳокими ўринбосари ўртага тушди. Умиджон муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, хатосини тушуниб етгани айтилди. Иттифоқ вакили эса, ёшлар ташкилоти унинг тўғри йўлга қайтишига кафил бўлишини таъкидлаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради. Судья бу фикрларни инобатга олди.

Ҳукм ўқилди — Умид Абдуллаев ота-онаси бағрига қайтди! Панжара ортида турган йигит ҳаяжонини яширолмай, йиғлаб юборди. Ишончимиз комил, энди у ўзини фақат фойдали ишларга бағишлайди. Рости ҳам шундай, яқин истиқболда Умиджон тадбиркорлик фаолиятини бошлашни ният қилган.

» TASHABBUS

# МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СТИПЕНДИЯ ОЛАДИ

Маъмура ОБИДОВА

Избоскан туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти сардори Мадина Ҳабибуллаеванинг ташаббусига маҳаллий тадбиркор Абдуҳалил Обидов ҳомийлик қилмоқда.

Яқинда янги жамғарма ҳисобидан мактабнинг ўн нафар аълочи ўқувчиси учун махсус стипендия таъсис этилди. Шунингдек, ўқув йили якунида фанларни ўзлаштириш даражаси, хулқ-одоби, фан олимпиадаларидаги иштироки билан тенгдошларига намуна кўрсатган бир нафар ўқувчига замонавий ноутбук топширилади.

— Бу билан чекланиб қолмасдан, олий ўқув юртига кириш имтиҳонида энг юқори балл тўплаган битирувчиларимизни рағбатлантиришни режалаштирганмиз, — дейди Мадина Ҳабибуллаева. — Лойиҳага бошқа тадбиркорлар ҳам қизиқиш билдириб, ҳамкорликни таклиф қиляпти. Ўйлайманки, келгусида жамғарма томонидан қўллаб-қувватланган йигит-қизлар Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшади.

# БОШИ КЎККА ЕТДИ

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Ёшлар иттифоқининг Конимех тумани кенгаши ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмаклашмоқда.



Мана исботи: яқинда ташкилот фаоллари туман марказидан анча олисдаги "Наврўз" маҳалласида бўлди. У ерда истиқомат қилаётган Уйғун Норбоевнинг хонадонига кириб, яшаш шароити билан қизиқди.

Оилада уч фарзанд вояга етмоқда. Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши раиси Самандар Раисбеков уларни суҳбатга чорлади. Суннатжон шахматга, Нурсултон китоб мутолааси ва боксга қизиқар экан. Нурбекнинг эса, миллионлар ўйини — футболга иштиёқи баланд. Шуларни инобатга олиб, ёшлар етакчиси болаларга шахмат тахтаси, бокс қўлқопи, китоблар жамланмаси ҳамда спорт кийимларини совға қилди. Бундай эътибордан ака-укаларнинг боши кўкка етди. Улар самимий миннатдорлик билдириб, фақат аъло баҳоларга ўқишга ваъда берди.

» TADBIRKORLIKKA QADAM

# ШОВОТДА "БИЗНЕС КЛУБ" ИШ БОШЛАДИ

**Янги тузилма Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман кенгаши қошида ташкил этилган.**



Ислом ЙЎЛДОШЕВ

Куни кеча тадбиркорликка қизиқувчи ҳамда шахсий бизнесга эга ёшлар учун илк машғулот ҳам ўтказилди. Иттифоқ қошидаги Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази бўлими мудири Маҳмуд Нурметов мазкур жараёнда бевосита иштирок этиб, йигит-қизларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

Иштирокчилар мутахассислардан бизнес юритишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар, кредит олиш ёхуд бошқа масалаларда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга доир маслаҳатлар олди.

Шундан сўнг тумандаги "Ўзтекс Шовот" тўқимачилик корхонасига саёҳат уюштирилди. Бу ерда асосан ёшлар фаолият кўрсатади. Улар учун кўпгина қулайликлар яратилган. Ишчиларнинг малакаси мунтазам равишда, оширилмоқда. Япония, Швейцария давлатлари билан ҳамкорликда махсус ўқув курслари ташкил қилинган. Корхона раҳбарияти якка тартибдаги тадбиркор бўлишни истаганларга ҳам амалий ёрдам бермоқда.

Замонавий мажмуа билан танишгач, эртамиз эгаларида тадбиркорлик сари илдам қадам ташлаш, бу йўлдаги билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, қисқаси, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш истаги янада кучайди.

» DOLZARB MAVZU

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎХТАМАЙДИ!

Шавкат УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Ўтган йили юртимизда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун кучга кириб, мазкур ҳужжат қоидаларини амалга оширишга доир чора-тадбирлар юзасидан Президентнинг алоҳида қарори қабул қилинганди. Қарорга мувофиқ, 2017–2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Бугунги кунда унинг ижроси таъминланмоқда.



**Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида коррупциянинг илдизини қуритиш, у билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида 2017 йил мобайнида 5 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди.**

Давлат дастури бир қанча устувор йўналишларни ўз ичига қамраб олган. Шулардан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборат. Бу борада прокуратура органлари томонидан изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Жумладан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида коррупциянинг илдизини қуритиш, у билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида ўтган йилнинг ўзида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан беш мингдан ортиқ учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Мавзуга доир 200 мингдан ортиқ плакат ва флаер тайёрланиб, аҳоли ўртасида тарқатилди.

Бош прокуратура ташаббусига кўра, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда коррупция ҳалокат эканини кўрсатиб берувчи бешта ижтимоий видеоролик суратга олиниб, ҳар куни марказий ва маҳаллий телерадиоканаллар орқали эфирга узатилмоқда.

Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2017 йилнинг июль ойида Бош прокуратура томонидан 50 га яқин вазирлик ва идоранинг 140 нафар масъул ходими учун “Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш” мавзуида ўқув семинари ўтказилганини ҳам алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Давлат харидлари ва ички аудит тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган яна 50 дан ортиқ семинар эса, видеоконференцалоқа форматида Молия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг қуйи тизимлари вакиллари учун ташкил этилди. Қайд этиш керак, бугунги кунда мазкур вазирлик ва идоралар мутахассисларининг умумий саъй-ҳаракати билан коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув-услубий ва илмий адабиётлар яратилиб, нашрга тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларида коррупцияга қарши курашиш мавзусига янада кенг ўрин берилиб, бу бўйича янги давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши доирасида Бош прокуратура томонидан Адлия ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан ҳамкорликда август-ноябрь ойларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши бўйича комиссияларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб айтиш керакки, шу чоққача 65 та давлат органи ва идораси томонидан ўз тизимидаги коррупцияга учраш хавфи бор соҳа ва тармоқлар аниқланиб, бундай ҳолатларни бартараф этиш учун таъсирчан чоралар кўришга қаратилган идоравий режалар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўз навбатида, Давлат дастурининг 30-банди ижроси бўйича Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси бюджет ташкилотларида содир этилган молиявий жиноятлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди. Пировард натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланиб, 2017 йилнинг 21 августида қабул қилинди.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан 2017 йилнинг июнь-ноябрь ойларида энергия ресурслари фойдаланувчиларидан 9 триллион 60 миллиард сўм миқдорида қарздорлик ундирилди.**

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни ўз вақтида аниқлаш масаласи ҳам алоҳида диққат марказимизда. Хусусан, ўтган йили Бош прокуратура Адлия, Ички ишлар, Молия вазирликлари, Ҳисоб палатаси ва бошқа тегишли идоралар билан бирга 2017–2018 йилларда коррупциянинг ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда самарали идоралараро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашинувига асосланган коррупцияга қарши курашишга доир фаолиятни йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаган эди. Шунга мувофиқ, 2015 – 2016 йиллар давомида газ ва электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ жараёнда содир этилган жиноятлар ва соҳага тегишли бошқа маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга сабаб бўлган омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Биргина Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан энергия ресурслари фойдаланувчилари орасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қолаверса, суд ҳукми ва бошқа давлат органлари қабул қилган ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2017 йилнинг июнь-ноябрь ойларида жисмоний ва юридик шахслардан 9 триллион 60 миллиард сўм миқдорида қарздорлик ундирилди.

Давлат дастурининг бешинчи йўналишига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар ва халқаро ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Республика идоралараро комиссияси эксперт гуруҳи томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг ўтказилди. Мазкур жараёнда давлат органлари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар таҳлил этилиб, шу асосда уларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти рейтинг тизимига солинди.

Ўтган йили “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти ўтказган тадқиқот натижасига кўра, фуқароларнинг давлат хизматлари секторида коррупцияга дуч келиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Туркия, Шри-Ланка, Латвия мамлакатлари қаторидан жой олди. Бу, ўз навбатида, МДҲ давлатлари орасида энг паст кўрсаткичдир.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларини халқаро ҳамжамиятга етказиш айни вақтда долзарб масаладир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан “Очиқ эшиклар куни”ни ўтказган эди. Унинг доирасида “Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши ислоҳотлари: ютуқлар ва устувор вазифалар” мавзуида халқаро конференция ҳам ташкил этилди.Тадбирда Бош прокуратура, қатор вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари ва масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари, дипломатик корпус, БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуман давомида нуфузли меҳмонлар республикамизда коррупцияга қарши курашиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни ижобий баҳолаб, мазкур йўналишда ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

» YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ИТТИФОҚ ШАРТНОМА ПУЛИНИ ТЎЛАБ БЕРАДИ...МИ?

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Дам олиш куни. Бозордан қайтяпман. Қўшним Замира опа ҳай-ҳайлаганча югуриб келяпти. Зарур гапи бордир, дея тўхтадим. Саломлашдик.

— Кун бўйи уйдаман, янгиликлардан ҳам хабарсиз қолибман, — гап бошлади қўшни. — Кеча ўғлим айтиб қолди: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи талабаларнинг контрактини тўлаб берармиш. Сиздан илтимос, шуни бир суриштириб беринг. Зап иш бўларди-да. Мушкулимиз анча осонлашарди...

Дарҳақиқат, Ёшлар иттифоқи олий таълим муассасаларидаги иқтидорли, илмга чанқоқ ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичи камида 86 фоиз бўлган талабаларга шартнома пулининг 35 фоизини тўлаб бериш тизими жорий қилинди. Шунингдек, ҳар йили “Иттифоқ стипендияси”, “Иттифоқ таълим гранти” ҳамда “Йил талабаси” танловлари ўтказиб келинади.

35 фоизли имтиёзга эга бўлиш истагидаги ёш (бакалавр ва магистрант)лар олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилотга ариза тақдим этиши керак. Мурожаатлар 10 февралдан 15 февралга қадар кўриб чиқилади. Номзодларни саралашда, аввалламбор, талабанинг ижтимоий фаоллиги, илмий-ижодий салоҳияти, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги натижалари, ташкилотчилик ва етакчилик қобилияти инобатга олинади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм Қўмондонлигининг тавсияномаси асосида олийгоҳга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган ва Иттифоқнинг моддий кўмагидан фойдаланаётган талабалар қўшимча имтиёз олиш имкониятига эга эмас.

# ЗОМИНЛИКЛАР ЗАМОНДАН ОРҚАДА ЭМАС

Элдор НАВРЎЗОВ

Шу кунларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши барча таълим муассасалари фаолияти, уларда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг муаммолари, таклиф ва мулоҳазаларини ўрганмоқда.




Яқинда ёшлар ташкилоти вакиллари Зомин туманида бўлди. Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси Азизбек Эгамбердиев ҳамда “Камалак” болалар ташкилоти раиси Суюн Силлиев 60-умумтаълим мактабига кирди. Бу ерда бутун тумандан жамланган 700 нафардан ортиқ “Камалак” сардорига аъзолик кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди. Шу билан бирга мактаблардаги ёшлар етакчилари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Уларнинг фаолиятидаги муаммо ва ютуқлар таҳлил қилиниб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг меҳмонлар туманда намунали деб топилган 1- ва 51-умумтаълим мактабларига ташриф буюриб, ҳар бирида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотларнинг иш тажрибаси, етакчиларга яратилган шароитлар билан бевосита танишди.

Бироқ сафар бу билан ниҳоясига етгани йўқ. Вилоят кенгаши мутасаддилари олис ҳудудларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Жумладан, туман марказидан анча узоқда жойлашган Пшағор қишлоғининг энг чекка нуқтаси — “Бош Пшағор” маҳалласига кириб, шу масканадаги 41-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ҳамсуҳбат бўлди.

Буни қарангки, мактабда ёшлар ташкилотининг қуйи бўғини фаолияти жуда яхши йўлга қўйилган. Етакчи раҳбарият билан баҳамжиҳат ишлайди. Ўқувчилар эса, Иттифоқ ҳақида тўлиқ маълумотга эга.

Очиғи, қишлоққа келаётиб, тоғ ёнбағрида яшаётган пшағорлик болалар кўп нарсалардан мосуводир, деб ўйлагандик. Аммо бунинг тамомила акси бўлиб чиқди. 41-мактабдаги ҳолатдан кўнглимиз тўлди. Ташқарига чиққач, футбол майдончасида тўп сураётган йигитларга кўзимиз тушди. Ўқувчиларга сира ўхшамайди, анча барваста. Кейин билсак, маҳалланинг уюшмаган ёшлари экан. Қойил, бир жамоа бўлиб олганини-чи!

Суҳбат асносида улар ўртасида наинки футбол, балки улоқ-кўпкари мусобақалари ҳам ўтказиб турилишини билдик. Иттифоқ вакиллари ана шундай хайрли ишга бош қўшаётган ташкилотчиларга махсус совғалар тақдим этди. Шу жойнинг ўзида Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши раиси А.Эгамбердиев уюшмаган қатламнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда бандлигига кўмаклашиш мақсадида тоғ зонасига хос экстремал, спорт туризми йўналишларини ривожлантириш, кўпкари миллий спорт турини оммалаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар берди, ўзаро фикр алмашди.

Гарчи олис манзилларни ўзига макон қилиб, замонавий дунёдан бироз узилган бўлса-да, лекин Зомин ёшлари тараққиётдан ортда қолмасликка астойдил ҳаракат қилмоқда. Қисқаси, улар замон билан ҳамнафас!

» SARHISOB

# МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Тўмарис АЪЗАМ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги соҳани тубдан такомиллаштириш ва модернизациялашга киришган. 2018 – 2022 йилларда давлат театрлари биноларининг бештаси янгидан қурилади, саккизтаси реконструкция қилинади, ўнтаси мукаммал таъмирланади. Музейларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, шу кунгача 354 музей ва кўргазма зали хатловдан ўтказилди.

Вазирлик томонидан йил якунлари ҳамда 2018 йилдаги устувор режаларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида соҳада амалга оширилиши кўзда тутилган бошқа ислоҳотлар хусусида ҳам сўз борди.

— Ўтган йили ҳудудларда фойдаланилмай, бўшаб ётган ўттизга яқин музей ва уларнинг филиалларини ёпдик, бир қисми эса, қайта реконструкция қилинди, — таъкидлади Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев. — Халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маданияти, маънавияти, бадиий-эстетик савиясини юксалтириш бундан кейин ҳам бирламчи вазифамиз бўлиб қолади. Шу мақсадда “Маданият ва маърифат” телеканалида “Маданият алифбоси” номли кўрсатув ташкил этилди. Эндиликда махсус ижтимоий роликлар ҳам тайёрланмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Маданият вазирлиги ташаббуси билан маданий мерос объектларининг аксарияти қайта таъмирланди, атроф ҳудуди ободонлаштирилди. Тадбирда тарихий объектларни таъмирлай оладиган профессионал усталар етишмаслиги ҳақида ҳам айтилди. Муаммони бартараф этиш учун “устоз-шогирд” анъанасини тиклаш, хориж тажрибаси асосида ёш реставраторларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган.

Анжуман давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

